# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 23 февраль, № 38 (5205) Чоршанба


## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қишда ёз неъматлари

***НАВОИЙ.*** *Навбаҳор туманидаги “Азизбек Содиқ” хусусий корхонаси раҳбари Содиқ Ражабов ташаббуси билан 0,7 гектар майдонда иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Бунинг учун банкнинг 60 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. 12 киши мавсумий иш билан таъминланган ушбу мажмуадан дастлабки 10 тоннадан ортиқ ёз неъматлари йиғиб-териб олинди.

Эътироф этиш керакки, туманда якунланган йилда 118 миллиард 905,8 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Инвестиция берган имконият

***САМАРҚАНД*** *шаҳридаги “Карпет ланд” хусусий корхонасида кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда ёғ маҳсулотларини қадоқлаш йўлга қўйилди.*

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 238 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига замонавий дастгоҳлар келтирилди.

Айтиш жоизки, ўтган йили Самарқанд шаҳрида тўртта хусусий корхона ташкил этилиши туфайли 155 та иш ўрни яратилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишлоқда ғишт заводи

***ҚАШҚАДАРЁ.*** *Чироқчи туманидаги Тошли қишлоғида сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Қашқадарёқишлоққурилишсервис” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.*

Бунинг учун банкнинг 1 миллиард 76 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир 40 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кунига 40-50 мингта пишиқ ғишт тайёрланмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки ярим баробарга ортади.

Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 526 та корхона фаолият юритаётганлиги, айниқса, эътиборлидир.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Наманган:**

# САЛОҲИЯТИ БАЛАНД, ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ





***Наманган нафақат Фарғона водийсининг, балки мамлакатимизнинг гўзал шаҳарларидан биридир. Бу бежиз эмас, албатта.***

***Дарҳақиқат, Наманган сўнгги бир ярим йил ичида гулдек очилиб кетди. Энига ҳам, бўйига ҳам кенгайди, ўсди. Шаҳарнинг янги, ярқираган бинолари, йўл-йўлкалари, хиёбонларию чаманзорлари Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган туманларига туташиб кетди.***

**Озод юртнинг обод манзиллари**

Шаҳарга бир йил муқаддам келган одам бугун бу ердаги ўзгаришлардан ҳайратга тушади. Беш-олти йилнинг нарисида бу ерда бўлган киши эса шаҳарни таниёлмай қолади.

— Яқинда Самарқанддан меҳмон келди, — деб ҳикоя қилади шаҳардаги “Ёшлар маркази” директори Азизбек Позилов. — У Наманган давлат университетида бирга ўқиган курсдошим Алишер эди. Овозида бир олам ҳаяжон десангиз. “Азиз, мабодо адашиб қолмадимми? Бу ўзимизнинг Наманганми? Тўрт-беш йил ичида шунчалар ўзгариб кетдими шаҳримиз?!” дейди. Ундаги тўлқин, ҳаяжон менга ҳам ўтди. “Ҳа, бу ўзимизнинг Наманган, жонажон шаҳримиз! Хуш келибсан, дўстим!”, дедим беихтиёр. Меҳмонни кутиб олиб, янги бунёд этилган кенг, равон кўчаларни, боғ-хиёбонларни айлантирдим. Дўстлик проспектидаги бирибиридан кўркам бино-иншоотлар, ёшлар учун барча шароитлар яратилган “Камолот” боғи, Бобур шоҳкўчасидаги янги тураржойлар, Тўрақўрғон кўчасидаги қурилишлар, замонавий спорт мажмуалари...

(Давоми 2-бетда).



**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# «ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вақти етганлиги алоҳида таъкидланган эди.

Концепцияда белгилаб берилган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлади. Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди. Эндиликда жойларда ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Ўтган ҳафтада Хоразм вилоятида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят санитария ва эпидемиология назорати маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси вакиллари, сиёсий партиялар, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Хоразм вилояти минтақавий ахборот-таҳлил маркази мутахассислари, эколог олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси Илҳом Отажонов “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди. Тадбир давомида бўлиб ўтган мунозараларда Экоҳаракат экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва бошқа иштирокчилар мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда, шунингдек, мавзуга оид бошқа маърузалар ҳам тингланди.

“Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси юзасидан кенг жамоатчилик иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиш режалаштирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# ЯНГИЛАНИШНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида айнан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, уни фуқаролар

**Концепция: устувор вазифалар**

ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил институтга айлантириш заруратига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида шу хусусда атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда қайд этилганидек, Концепцияда Президентимиз томонидан баён этилган қонунчилик ташаббуслари, хусусан, лавозимдан четлаштириш, шахсни тиббий муассасаларга жойлаштириш тарзидаги чораларни суд санкцияси асосида қўллаш тартибини жорий қилиш, суд жараёнида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига ўтказиш, суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариб ташлаш каби жиноят-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган ва процессуал мажбурлов чоралари муҳим аҳамиятга эга. Булар, ўз навбатида, суднинг мустақиллиги, холислиги, беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув тамойилини кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

# ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 22 февраль куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, ёқилғи-энергетика, тиббиёт, савдо-саноат, сармоя, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, божхона, машинасозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Э. Ғаниев Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари — Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдек манфаатдор. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бугунги кунда ўзаро алоқалар икки мамлакат ўртасида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Хусусан, иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенг. Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ саноати юқори суръатда ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасидаги алоқалар кўлами кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтилаётган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# СИФАТЛИ ТОЛАДАН КЎРКАМ ЛИБОСЛАР

***Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвесторлар учун яратилган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитлар хорижий сармоядорларни доимо ўзига жалб қилиб келмоқда. Натижада ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, халқаро талаблар даражасига мос маҳсулотлар тайёрлаш имконияти тобора ошиб бораётир.***

**Ҳамкорлик**

Масалан, Қарши шаҳрида масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган “COTTON ROAD” қўшма корхонаси фаолиятини олайлик. Бу ерда пахта толаси тўлиқ қайта ишланиб, ҳам мато, ҳам бежирим кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Маҳсулотлар сифатлилиги боис унга нафақат юртимизда, балки МДҲ ва Европа мамлакатларида ҳам талаб катта.

— Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот улушини ошириш олдимиздаги асосий вазифалардан биридир, — дейди қўшма корхона директорининг ўринбосари Эшболта Қобилов. — Шу мақсадда ўтган йили қўшимча 30 та тикув машинаси келтириб ўрнатдик ва габардин, паплин ҳамда сатин каби матолардан ўнга яқин турдаги кўркам либослар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонамизда модернизациялаш жараёнлари муваффақиятли амалга оширилгач, меҳнат унумдорлиги ҳам сезиларли даражада ортди. Хусусан, бўяш цехига илғор ускуна келтириб ўрнатилди. Ўтган йили сатин ва габардин матоларидан 1001 минг погон метр ишлаб чиқарилиб, шундан 392 минг погон метри буюртмачиларга етказиб берилди.

Э. Қобиловнинг айтишича, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 2010 йилнинг ўзида 491 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, 160 та янги иш ўрни ташкил этилди. Жами 3010 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, шундан 2667 минг долларига тенг қисми тайёр маҳсулотдир. Жорий йилнинг январь ойида эса хорижлик харидорларга 308 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулот жўнатилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚАЛЛОБНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

***Жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши, кўпгина мамлакатларда асосий кундалик истеъмол маҳсулотлари тақчиллиги юзага келгани сўнгги пайтларда хорижий оммавий ахборот воситалари мурожаат қилаётган асосий мавзулардан бирига айланди. Жаҳон матбуотининг ёзишича, 2010 йилда нарх-навонинг кўтарилиши сўнгги ўн йилликлардаги энг юқори даражага етган ва ушбу жараён давом этмоқда. Бу, ўз-ўзидан, аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.***

**Халқ ризқига хиёнат**

Шукрки, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати ва юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирини бартараф этишга, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга эришилмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган.

Буни жаҳондаги, минтақамиз мамлакатларидаги вазият билан юртимиздаги аҳволни таққослаш орқали ҳам кўриб-билиб турибмиз. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари сероб, нархи ҳамёнбоп. Умуман, юртимизда асосий истеъмол маҳсулотларининг ўртача чакана нархи бошқа давлатлар билан солиштирганда доим энг паст кўрсаткични ташкил этиб келган.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб бораётганини эътиборга олсак, халқимизни бундай маҳсулотлар билан мақбул нархларда, ишончли таъминлаш йўлидаги хайрли ишларнинг аҳамияти нечоғли улкан эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Бундай фаровонлик осмондан тушгани йўқ, албатта. Бунинг замирида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, заҳматли меҳнати, азму шижоати мужассамдир.

(Давоми 3-бетда).

# ЯНГИЛАНИШНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Концепцияда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўналиши мамлакатни демократик янгилаш босқичида долзарб аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. — Жумладан, 2008 йилдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судга ўтказилиши натижасида, ўтган давр мобайнида судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 дан зиёд рад жавоби берилган. Шу нуқтаи назардан, Концепцияда давлатимиз раҳбари томонидан лавозимдан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини судья санкцияси асосида қўллаш таклифи берилди. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд назоратини кучайтириш имконини беради.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунчилик ташаббуси мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуманноб Раҳимов. — Бу эса, ўз навбатида, судгача қадар иш юритув босқичида айбланувчининг ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, келгусида шахсни тиббий муассасага жойлаштиришга рухсат бериш тартиби тарафлар иштирокида бўлиб ўтадиган суднинг мажлисида жорий қилинади. Бундай тартиб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини янада мустаҳкамлайди.

— Ушбу мажмуада билдирилган кўплаб фикрлар, айниқса, давлат бошқаруви тизимида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини демократик одил судлов талабларига янада яқинлаштириш, давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари партиямизнинг дастурига, сайловолди платформасига ҳамоҳангдир, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Олимжон Оқилов. — Шу боисдан мазкур Концепциянинг барча жиҳатлари ўз вақтида ҳаётга тўғри татбиқ этилиши ҳар биримиз учун муҳим ва аҳамиятлидир. Зеро, эл-юртимиз манфаати, она-Ватанимизнинг равнақи ва келажаги мақсадларимизнинг муштараклигига, шунинг баробарида, қабул қилинаётган қонунларнинг изчил ижросига бевосита боғлиқдир.

Давра суҳбатида, шунингдек, Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш лозимлиги ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Туркманистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркманистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. 2010 йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 195,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тадбирда ушбу кўрсаткични янада ошириш учун барча имкониятлар ишга солиниши таъкидланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари асосида жадал тараққий этаётир, — деди Туркманистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири, комиссия ҳамраиси Баяр Абаев. — Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар юксак самаралар бераётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг тобора ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик ва пухта ишлаб чиқилган ҳамда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу чет эл сармоядорларининг мамлакатимизга сармоя киритишга ва ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, соғлиқни сақлаш, савдо, сув хўжалиги, ёқилғи-энергетика, божхона каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни изчил ривожлантириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БИЛИМ ВА ҲУНАР

## ёшларга хос, замонга мос фазилат

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида келажагимиз ворисларининг камоли йўлида беқиёс ишлар амалга оширилаётир. Бири-биридан кўркам ва замонавий услубда бунёд этилган ўқув даргоҳлари, илму ҳунар марказлари эса мустақил юртимиз йигит-қизларининг иқтидорини кенг намоён этишлари учун улкан имкониятлар яратмоқда.***



Қувонарлиси, юртимизда нафақат ёшларнинг билим олиши, балки уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласи ҳам давлатимиз эътиборида. Бинобарин, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг аксариятига ёшлар жалб қилинди. Бу янги ташкил этилган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига тўғри келади. Бунга юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилаётгани, қисқача айтганда, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли эришилди.

Айтиш жоизки, ҳаёт остонасидан энди ҳатлаётган ёшларнинг касб-кор танлаши ва иш топишида доимий ўтказиб келинаётган кўргазмаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта. Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академияси залида иш бошлаган "Таълим ва мутахассислик — 2011" VI халқаро кўргазмаси ҳам ана шу мақсадга қаратилган. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароит яратиб берилгани, бу, ўз навбатида, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Зеро, таълим тизимини такомиллаштириш Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб вояга етказиш, Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

### Кўргазма

Халқаро кўргазмада мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларидан ташқари, бир қатор хорижий таълим муассасалари, шунингдек, турли ўқув марказлари ва жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда.

— Билим даргоҳимизда ёшларни ҳар томонлама илмли ва ўз касбининг моҳир эгаси этиб тайёрлаш устувор вазифа қилиб белгиланган, — дейди пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти декани жаноб Муҳаммад Сиддиқ. — Эътиборлиси, бугун юртингизда бир эмас, бир нечта хориж тилларини биладиган, билимга чанқоқ йигит-қизлар улғаймоқда. Бу ёшларнинг масканимизда таҳсил олишга қизиқиши йилдан-йилга ошиб бораётир. Биргина ўтган йили институтимизга кириш учун 450 дан зиёд ўғил-қиздан аризалар келиб тушгани бунинг яна бир тасдиғидир.

Кўргазмада "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази томонидан тақдим этилаётган 500 дан зиёд иш ўринлари, пойтахтимизда фаолият юритаётган олий ўқув юртларининг тақдимотлари, "Global study" марказининг хорижда таҳсил олиш бўйича таклифлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазмада салкам 20 минг нафар йигит-қиз қатнашиши кўзда тутилган. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларидан иборат экани, айниқса, диққатга моликдир. Нега деганда, ушбу тадбир битирувчилар учун танлаган соҳалари бўйича ишга жойлашиш ва олий ўқув юртлари ҳақида етарли маълумот олишда ахборот бозори вазифасини ўтайди. Зеро, кўргазма доирасида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари, олий таълим муассасаларининг тақдимот маросимлари, маҳорат дарслари, шунингдек, турли семинар ва танловлар ўтказиш режалаштирилган.

Халқаро кўргазма 24 февралгача давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

## фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир

***Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар изчил, босқичма-босқич амалга оширилаётир. Ушбу жараёнларда инсон ҳуқуқлари юқори даражада қадр топаётганлиги, айниқса, эътиборга моликдир. Зеро, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятига қараб, демократик ислоҳотлар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.***

Шу боис мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, демократик ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти қай даражада экани билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида бунга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, бу борадаги қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Мазкур дастур жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий мақсади аҳолининг ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун кенг қамровли тизимни аниқлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бунда, албатта, ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий конференциясида ҳам ушбу масалалар хусусида сўз юритилди. Унда таъкидланганидек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва янада ошириш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Шу боис бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва истиқболда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни давр тақозо этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурининг аҳамияти беқиёсдир. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асоси ва кафолатлари шакллантирилди ва буни рағбатлантиришнинг миллий тизими ишлаб чиқилди. Албатта, бундай шарт-шароит Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этиш имконини беради.

**Қодиржон ОДИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# СИФАТЛИ ТОЛАДАН КЎРКАМ ЛИБОСЛАР



**СУРАТДА:** тикувчи Санобар Эркаева иш устида. **Собир НАРЗИЕВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мазкур қўшма корхонада 7 йилдан буён ишлайман, — дейди йигирув цехи катта оператори Дилафрўз Каттаева. — Биз меҳнат қилаётган цехда пахта толасидан калава ип тайёрланади. Айтиш жоиз, барча жараёнлар замонавий дастгоҳларда амалга оширилади. Уларни ишлатишни қунт билан ўргандим, мана, энди сафимизга келиб қўшилаётган ёшларга тажрибаларимни ўртоқлашмоқдаман.

Пахта толасини ипга айлантиришдан тортиб, ундан тайёр кийим-кечак тикишгача бўлган жараённи қамраб олган корхоналар иқтисодиётимиз равнақида муҳим аҳамият касб этади. "COTTON ROAD"да яратилган бундай имкониятлар келгусида ҳам хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ва экспорт кўламини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Наманган:

# САЛОҲИЯТИ БАЛАНД, ШИЖОАТИ ҚАТЪИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Буларнинг ҳаммаси сўнгги бир ярим йил ичида бунёд этилди, — дедим ғурур билан дўстимга. — Гувоҳи бўлганингдек, шаҳарнинг ҳамма бурчида қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида. Тағин, икки йил ўтиб, Наманганимиз мамлакатимизнинг энг гўзал ва обод гўшаларидан бирига айланади.

— Бугун биз наманганликлар, кексаю ёш — ҳаммамиз шундай катта ишларнинг тепасида турган, шундай улуғвор ўзгаришларнинг ташаббускори бўлган муҳтарам Президентимиздан бағоят миннатдормиз, — дейди физика-математика фанлари доктори, профессор Муфатхон Маматов. — Яшириб нима қилдик. Бундан икки йилча муқаддам Юртбошимиз шаҳримизда бўлганларида Намангандаги тартибсиз, пала-партиш қуриб ташланган биноларни, катта йўллар, йўлкаларгача чиқиб кетган ошхона-чойхоналарни кўриб, чуқур таассуф билдирган эдилар. Шундан кейин шаҳар, вилоят фаолларини йиғиб, шаҳардаги йўлларни, бино-иншоотларни тартибга солиш, шаҳар қиёфасини замон талаби асосида тубдан ўзгартириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш юзасидан ўзларининг қимматли маслаҳатларини, йўл-йўриқларини бердилар. Кўп ўтмай, аниқроғи, 2009 йилнинг 6 августида Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори имзоланди. Шунга яраша маблағ ажратилди. Меъмору лойиҳачилар, қурувчию муҳандислар, йўлсозлару дизайнерлар — барча-барча оёққа турди. Наманган улкан қурилиш майдонига айланди.

Шаҳардаги муҳташам спорт саройларининг бирида стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони, "Шуҳрат" медали ва "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби Севара Қодирова билан учрашдик.

— Юртбошимизнинг Наманган ёшларининг кайфияти, ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтганлари менга олам-олам куч бағишлади, — дейди Севара. — Давлатимиз раҳбарининг спортни, айниқса, қизлар спортини янада ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун шаҳримиз марказида "Қизлар спорт мактаби"-ни очиб, бу ердан бўлажак Осиё, жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

— Бугунгача шаҳримизда дастур доирасида 200 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди шаҳар ҳокимлиги уй-жой қурилиши ва инвестициялар департаменти бошлиғи Нусратилла Убайдуллаев.

Бу йилги бунёдкорлик, ободончилик ишлари кўлами, миқёси янада кенг. Наманган шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ янги йўналишлар концепцияси қабул қилинганига ҳам анча бўлиб қолди. Унга кўра, Наманганда шу йилнинг ўзида 100 миллиард сўмлик қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Жумладан, Тўрақўрғон кўчасидаги бино-иншоотлар қурилиши Наврўз байрамигача ниҳоясига етказилади. Ғирвонсой кўчасининг икки томонида жойлашган 50 га яқин хонадонлар икки қаватли қилиб, янгитдан қурилади. Мазкур кўча ёқасидаги Машраб номидаги боғ қайта реконструкция қилинади. "Кичкинтойлар боғи" ҳам яқин орада ўз фаолиятини бошлайди.

Тасдиқланган бош режага мувофиқ, Бобуршоҳ кўчасида олиб борилаётган қурилиш, ободонлаштириш ишлари жадал давом эттирилади. Бу кўчада маҳаллий тадбиркорлар томонидан 28 та қўшқаватли коттеж қурилади. Бобуршоҳ кўчаси ва жанубий айланма йўл чорраҳасидан Наманган шаҳрига кириш чегарасигача бўлган масофада йўлнинг икки томонида намунавий лойиҳа асосида муҳташам тураржой бинолари қад ростлайди.

Шаҳарда автотранспортлар тизимини тартибга солиш, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ҳудуднинг бешта бурчида замонавий шоҳбекатлар бунёд этилади.

Наманган ҳақида гапирганда, бу шаҳарнинг ҳар икки ёқаси бора-боргунча майсазор, кенг, равон йўллари, орастаю саришта йўлкалари ҳақида тўхталмасдан бўлмайди.

Шаҳарда бу йўл-йўлкаларнинг тарҳини чизиб берадиган мўъжазгина бир муассаса бор. Унинг номини қисқагина қилиб, "Наманганйўллойиҳа" МЧЖ дейишади. Бор-йўғи, 48 киши ишлайди. Улар муҳандис лойиҳачилар, геологлар, топографлар... Шаҳарнинг бугунги ҳусну жамолида мазкур касб эгаларининг хизматлари беқиёс.

— Идорада камдан-кам ўтирамиз, — дейди ташкилот раҳбарининг ўринбосари Турсунбой ака Қодиров. — Ҳар бир янги йўл лойиҳасини чизиш олдидан, аввало, ўша ерни бориб обдан ўрганамиз. Ҳайдовчилар, йўловчилар, шу атрофда яшовчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини биламиз. Янги йўлнинг энг қулай, энг шинам, энг чиройли тўхтамини топгачгина ишга киришамиз. Ахир, бу йўллар яна 100-200 йилдан кейин ҳам туриши, халқимиз корига яраши керак. Келажак авлод шундай йўлларни қуриб кетганларга раҳмат, диду савиясига балли, дейиши керак. Шундай эмасми?

Албатта, шундай. Наманган шаҳрини тўйболанинг қат-қат шоҳи белбоғидек ҳар томондан қучиб турган бу йўлларга разм ташлаб, республикамиздаги ўзига хос иншоот — Дўстлик шоҳкўчасидаги бир қарашда кўзга ташланавермайдиган, аммо хизмати оламжаҳон замонавий кўприкни кўриб, лойиҳачилар ишига, ижодига яна бир карра таҳсин айтасан киши.

— Наманганни марказий Чорсу майдони билан боғловчи йўллар кўп, — дейди Турсунбой ака. — Аммо бозорлар, кўплаб давлат муассасалари, ўқув юртлари жойлашган Навоий кўчасида қатнов ҳар доим тиғиз. Йўл куну тун автомашиналар билан тирбанд бўлади. Бу ноқулайликни бартараф этиш учун айни кунларда янги Фарҳод айланма йўлининг лойиҳаси устида иш олиб бораяпмиз.

— Биз, наманганликлар ҳавасманд одамлармиз, — дея суҳбатимизга кўр ташлайди Нусратилла Убайдуллаев. — Азим пойтахтимиз Тошкентдагига ҳавас қилиб, шаҳримизда Сайилгоҳ кўчасини яратишга киришдик. Бу ҳам шаҳримиз чиройига чирой қўшади. Бунёдкор халқимизга, меҳмонларимизга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, олтин водийнинг дуру гавҳари ҳисобланмиш Наманган, Юртбошимиз эътирофидан илҳомланган вилоят аҳли Истиқлолимизнинг йигирманчи баҳорини ўз шаҳарларини янада обод этиш, гуллатиб-яшнатиб, бугунги нурафшон кунларимиз ва истиқболимизга қатъий ишонч-эътиқод билан, дилларига бир олам эзгу ниятлар туккан ҳолда қарши олмоқдалар.

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Яхши хабарлар

***Асака туманилик тадбиркор Сойибжон Кўчқоров саъй-ҳаракати билан "GM-Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун эшик тутқичлари тайёрлаш йўлга қўйилди.***

## Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар

Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 211,2 миллион сўмлик кредити қўл келди. Мазкур "Ал-Маҳмуд" хусусий корхонасининг 25 кишилик жамоаси қисқа муддатда асакалик автомобилсозларга 777,8 миллион сўмлик бутловчи қисмлар етказиб берди.

Айтиш керакки, Асака шаҳрида биргина тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўтган йили 1214 та иш ўрни яратилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Паррандачилик барака келтирмоқда

***Чимбой туманидаги "8 март" фермер хўжалиги қошида паррандачилик йўлга қўйилди.***

Банкнинг 10 миллион сўмлик кредити эвазига ташкил этилган ушбу фермада ҳозир қарийб 1000 та товуқ парвариш қилинмоқда. Натижада ўнга яқин қўшимча иш ўрни яратилди. Шунингдек, қисқа муддатда 20 минг донадан зиёд тухум етиштирилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

Умуман, туманда ўтган йили фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини кенгайтириши ҳисобига 834 та иш ўрни яратилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**самарадорлиги соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни тақозо этади**

***Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган икки кунлик халқаро семинар иш бошлади. Маъмурий ҳуқуқни ривожлантириш истиқболларига бағишланган мазкур тадбирда Олий суд судьялари, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда экспертлар иштирок этаяпти.***

**Тадбир**

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли судлар жиноий, хўжалик, фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштирилиб, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш жорий этилди, ярашув институти йўлга қўйилди. Ўлим жазоси бекор қилинди ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Одил судловни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳам ҳукуматимиз диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Жумладан, “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Унга кўра, жиноятларнинг тасниfi ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари қандай натижа бераётганлигини биргина мисол орқали айтмоқчиман, — дейди Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси минтақавий ваколатхонаси раҳбари Вульф Лапинс. — Жиноий жазони либераллаштириш борасидаги ишлар якунлари бўйича мамлакатингиз дунёда энг яхши кўрсаткичларни қайд этиб келаётганлигини таъкидлашни истардим.

Тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, жумладан, жиноят қонунчилигини либераллаштириш ишларини янги босқичга кўтариш хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузаси бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

— Концепцияда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш ва янги таҳрирда қабул қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Жаҳонгир Ҳайдаров. — 1994 йилда қабул қилинган бу кодексга ўтган даврда 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий соҳада юз берган катта миқёсдаги ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттиришга хизмат қилади. Бунда, аввало, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилмоқда. Айни чоғда у ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик мувофиқлашувини таъминлайди. Табиийки, ушбу кодекснинг янги таҳрири лойиҳасини тайёрлашда халқаро анжуманда билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳам қўл келади.

Шунингдек, тадбирда маъмурий низоларни жиноят ишлари бўйича судларда кўриш тизимини такомиллаштириш, бу борадаги ҳуқуқий асосни янада ривожлантириш юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚАЛЛОБНИНГ КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш, аҳолининг ун ва нон маҳсулотлари, бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилангани ва муваффақиятли ҳал этилганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон буғдой, ун, мева-сабзавот, қуруқ мевалар, узум, полиз маҳсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарлари билан ўз ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминламоқда. Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотлари, гуруч, картошка, сабзи, пиёзга бўлган талаби ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилаётгани ва бу соҳада янги қувватлар фойдаланишга топширилаётгани ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишига хизмат қилаётир. Бозорларимизнинг барча фаслларда бирдек тўкин-сочин бўлиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Юртимизда бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, уларда савдо-сотиқ учун қулай шарт-шароитлар яратиш, энг муҳими, маҳсулотларнинг аҳоли учун мақбул нархларда сотилишини таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2010 йил 26 апрелда имзоланган “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги “Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бироқ, минг таассуфки, бозорларимизда ўрнашиб олган айрим сохта тадбиркорлар бу ердаги файз-баракага путур етказмоқда. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бундай кимсалар деҳқонларни алдаб, баъзида зўравонлик қилиб, улар олиб келган маҳсулотни арзон баҳода сотиб олиб, шу ернинг ўзида устига фалон нарх қўйиб пулламоқда. Устига устак, маҳсулотлар нархини ўзаро келишиб, “қатъий” белгилаб қўйишлари, “олсанг шу нарх, олмасанг — катта кўча” қабилида иш тутишлари бозорларимизда азалдан шаклланган ҳамда бозорнинг асл маъно-мазмунини ифода этадиган савдолашиш анъанасига қай жиҳатдан тўғри келади? Бирни иккига пуллаётган бундай кимсалар, боз устига, тарозидан уришни одатга айлантириб олганини, ушбу соҳа учун мутасадди идоралар, бозорлар раҳбарларининг бундай ҳолатларга кўпинча беэътибор муносабатини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Халқ ризқига хиёнат билан муроса қилиб бўладими? Йўқ, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматидан маълум қилишларича, прокуратура органлари томонидан бозорлар фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, пойтахтимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳридаги бозорларда нархлар сунъий равишда ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида мониторинг ҳамда кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот тадбирлари олиб борилаётир, келтирилаётган маҳсулотларнинг сифати ва нархига алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълум бўлишича, бозорларда нархларнинг сунъий равишда ошишига, юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим сохта тадбиркорларнинг деҳқонлардан маҳсулотларни сотиб олиб, устига истаганча нарх қўйиб савдо қилаётгани, соҳага мутасадди шахсларнинг эса лоқайдликлари сабаб бўлган. Ўтказилган тадбирлар давомида бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан бозорлар фаолиятини ташкил этишга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга 8 тақдимнома киритилиб, 92 нафар шахс маъмурий, бир нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, 4 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилган.

Бундан ташқари, текшириш тадбирлари давомида аниқланган товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, товламачилик ҳамда порахўрлик каби қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан “Эски Жува”, “Миробод” ҳамда “Қўйлиқ” деҳқон бозорлари мутасадди шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 19-20 февраль кунлари пойтахтнинг барча деҳқон бозорларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ хизмати органлари вакиллари, маҳаллий ҳокимият идоралари мутасаддилари билан ҳамкорликда бир қатор амалий чора-тадбирлар олиб борилди.

Хусусан, деҳқон бозорларида бир марталик патта йиғимлари ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақи тушумлари бўйича хронометражлар ўтказилганда, накд пул тушумининг ортгани аниқланган. Тадбирларда бозорлардаги нарх-наво даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган ҳолатларга ҳам эътибор қаратилган.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари билан олдиндан жиноий тил бириктириб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, қалбаки ҳужжатлар асосида бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Жумладан, “Қорақамиш деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамиятига қарашли филиалда фуқаро Б. Қорабоев ўзи савдога қўйган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари “Зоиржон табаррук” фермер хўжалигида етиштирилгани, хўжаликда ишчи бўлиб ишлаши ҳамда унга 2,5 гектар ер майдони ажратилганлиги тўғрисидаги қалбаки маълумотнома асосида 3 йил давомида ноқонуний даромад олиб келганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўтган даврда Тошкент шаҳар прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат назорат идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда аниқланган жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан жами 12 жиноят ҳамда 120 маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилган. Фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар сабабли 6 нафар бозор ҳамда 8 нафар сектор бошлиғи эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ўтказилган тадбирлар, кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот ишлари, бозорлар маъмурияти ва бошқа мутасаддиларнинг масъулияти оширилганлиги натижасида бозорларда маҳсулотлар нархи пасайишига, ноқонуний савдони амалга ошириш ҳолатлари кескин камайишига, етиштирилган маҳсулотларнинг эркин савдоси таъминланишига эришилмоқда.

Нархларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида вилоятлардан Тошкентга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш бўйича янги шартномалар тузилиб, маҳсулотлар узлуксиз олиб келиниши йўлга қўйилди.

Вилоятлардан келган деҳқонларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиши учун етарли шароит яратиб берилгани, олибсотарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилгани самарасида асосий турдаги маҳсулотларнинг чакана савдодаги ўртача нархлари сезиларли даражада пасайишига эришилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, деҳқон бозорларидаги нархлар пасайган бир вақтда, шаҳар ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган йирик савдо мажмуаларида (супермаркетларда) бунинг акси, яъни нархларнинг кўтарилаётгани кузатилди. Ушбу ҳолатлар 22 та супермаркетда ўтказилган мониторинглар давомида ўз тасдиғини топди.

Шундан келиб чиқиб, прокуратура, мутасадди идоралар ҳамда савдо мажмуалари раҳбарлари иштирокида мазкур масала муҳокама қилиниб, бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Соҳага оид қонунчилик устидан прокурорлик назорати мунтазам давом этмоқда.

Бозор азалдан халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Бозор халқ, мамлакат кўзгусига қиёсланган. Дарҳақиқат, юртимиз бозорлари ўзининг тўкин-сочинлиги, бой анъаналари, самимий, ҳалол аҳли билан Мағрибу Машриқда машҳур бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Юртимизга келган меҳмонлар албатта бозорларимизга тушишга интилиши шундан далолатдир.

Шундай экан, бозорларимизда учраётган юқоридаги сингари хунук ҳолатларга қарши курашиш, унинг асл анъаналарига доғ туширмай асрабавайлаш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# «Туронбанк»: КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЯҚИН КЎМАКДОШИ

***Маълумки, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлашга тижорат банклари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.***



Хусусан, бугунги кунда “Туронбанк”нинг Сирдарё филиали томонидан кредит бериш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни юритиш, қимматли қоғозлар муомаласини йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Аниқроқ айтганда, якунланган йилда бу филиал ўз маблағлари ҳисобидан 7865,1 млн. сўмлик кредит ажратган бўлса, шундан 3886,9 млн. сўми кичик бизнес субъектларига йўналтирилди. Жумладан, Сирдарё туманидаги “Бахт Тракт Агро Сервис” МЧЖга 3 100 млн. сўмлик кредит берилган эди. Бу маблағ эвазига 11 дона “CASE-5088” русумли комбайн харид қилинди. “Яҳёбек Маҳмуд” хусусий корхонасига мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш учун ажратилган 10 млн. сўмлик кредит ҳисобидан эса 8 та иш ўрни яратилди.

## Молия муассасаларида

Ёки Мирзаобод туманида жойлашган “Мирзаобод сут саноат” хусусий корхонаси сутни қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун банкдан 40 млн. сўмлик кредит олган эди. Натижада бу ерда янги линия ўрнатилиб, 14 киши ишга жалб этилди.

Оқолтин туманидаги “Улуғбек Эркин нури” ва “Шавкат-Шаҳзод” хусусий корхоналари ҳам “Туронбанк”нинг мижозлари ҳисобланади. Улар 40 млн. сўмлик кредит эвазига олтинкўз, трихограмма, бракон каби биомаҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Банк томонидан, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермерларга жами 3694,2 млн. сўм, шу жумладан, ғалла учун 1234,1 млн. сўм, пахта учун 2460,1 млн. сўм, шунингдек, уларнинг техника паркларини янгилаш мақсадларига 3731 млн. сўм миқдорида кредит берилгани ҳам ўз самарасини кўрсатди. Ажратилган ушбу маблағлар таркибида узоқ муддатли кредитлар улуши аввалги йилдагига нисбатан 2,1 баравар ошгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида бултур тадбиркор аёлларга 42 миллион сўмлик кредит ажратилган бўлиб, бу маблағнинг 7 миллион сўми якка тартибдаги аёл тадбиркорларга, 35 миллион сўми, асосан, хотин-қизлар меҳнат қиладиган ва аёллар бошқарадиган кичик корхона ҳамда фирмаларга йўналтирилди. Мазкур кўрсаткич 2009 йилдагига нисбатан 1,2 марта кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, ажратилган кредитлар миқдори эса 60,3 млн. сўмга етди.

Вилоят аҳолисига қулайликлар яратиш учун филиалимиз томонидан 2010 йилда 6200 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 73 та терминал ўрнатилгани, “Истиқлол”, “Совға”, “Барҳаёт”, “Баҳор”, “Омад қувончи”, “Шодлик”, “Ипотека”, “Ёш оила” каби омонат турлари жорий этилгани, электр энергияси ва газ тўловларини қабул қилиш, “Paynet” орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани ҳам барчага манзур бўлмоқда. Айни чоғда аҳолига “Western union”, “Coinstar”, “Contact”, “Money Gram”, “Золотая корона”, “Быстрая почта” халқаро пул ўтказмалари бўйича ҳам хизмат кўрсатилмоқда.



Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган суратлар.

Инновация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, мижозларга масофадан туриб ҳисоб рақамини бошқарувчи “SMS banking”, “Internet banking” хизмат турлари жорий этилгани эса банкнинг хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш билан бирга, мижозларга қулай молиявий муҳит яратаётир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хўжалик субъектларига 2 миллиард 942 миллион сўмлик, тадбиркор аёлларга эса 100 миллион сўмлик кредит маблағлари беришни режалаштирганмиз. Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқдаки, бу пировардида иқтисодиётимиз равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**А. АСАТУЛЛАЕВ,**
**ОАТ «Туронбанк»и Сирдарё филиали бошқарувчиси.**

# Тадбиркорлар билан мулоқот

***Самарқандда кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

**Анжуман**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси ҳамда тадбиркорлар ўртасида очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда соҳа вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлар, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш йўлидаги ислоҳотлар хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, бугун вилоятда 14865 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1167 тага кўпдир. Қолаверса, соҳа вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ҳам йилдан-йилга ортиб бораётир. Жумладан, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 73,6 фоизга етгани, тадбиркорлар томонидан 44575 та янги иш ўринлари яратилгани эътиборлидир.

Тадбирда вилоят ҳокими, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг раиси З. Мирзаев сўзга чиқди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2011 yil 17 fevralda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi
2011 yil 5 martdan kiritiladigan kaolinlar uchun deklaratsiya qilingan narxlarni qayd etish 19-03-22-05-O'zR-2-2001-sonli reestrni tasdiqladi.

| Mahsulot nomi | Texnik sharoiti va standarti | O'lchov birligi | Cheklangan narx, QQS bilan, so'm: Amaldagi narx | Korxona tomonidan taklif qilingan narx | Narxlarni tartibga soluvchi organ tomonidan deklaratsiya qilingan narx |
|---|---|---|---|---|---|
| Birlamchi boyitilmagan selektiv ravishda qazib olingan Angren konining kaolini | TSh 12-13:2008 | tonna | 3 592 | 13 955 | 7 020 |
| Selektiv usulda qazib olinadigan boyitilmagan ikkilamchi kulrang Angren konining kaolini | TSh 12-1:2007 | tonna | 7 168 | 13 531 | 9 780 |
| Selektiv usulda qazib olinadigan boyitilmagan ikkilamchi rang-barang Angren konining kaolini | TSh 12-1:2007 | tonna | 8 148 | 13 479 | 11 100 |

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ
ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:
• ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
• ПВХдан бўлган қопламалар;
• ПВХдан турли плёнкалар;
• пойабзал, чарматторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.
Маҳсулот сертификатланган.
Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб. (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

Россия линолеуми
Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.
Маҳсулот сертификатланган.

“Росагропромснаб” МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари
Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, “Ц” даҳаси, 6-уй (мўлжал — “Шуҳрат” дўкони жойлашган чорраҳа)

Очиқ акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси бош директори Қудратбек Ҳошимбековга падари бузруквори

**ЗОИТБЕК отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банк ходими Ботирали Шодиевга падари бузруквори

**ДОНАБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

